

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 02/06

« 02 » июн 2022 йил

Самарканд шаҳри

Шартнома тузилган жой

"Alī Stroy Servis" кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ф. Бобомуродов номидан, бир томондан ва Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар Х. Самаров номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Самарканд шаҳрининг Регистон майдонида жорий таъмирлаш (Турникент устинда темирли соябон ясаш) ишларини (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Иш номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Реставрационные работы на площади «Регистан» в городе Самарканде (металлический навес над турникетом)	услуга	1	130 000 000	130 000 000
ЖАМИ					130 000 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 130 000 000 (бир юз уттиз миллион) сўмни ташкил қилади

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: " 1 " июн 2022й. Тугаши: "8"июн 2022й.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини коплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига қўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини коплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомасига мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 130 000 000 (бир юз уттиз миллион) сўмни ташкил этади.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Ҳазначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш

далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам қўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «__» июндан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ КОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 8.2 Шартнома Ҳазначилик органларида рўйхатга олингандан сўнг қонуний кучга кириди.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»
Ali Stroy Servis
(етказиб берувчининг (пуратчининг) номи)

Манзил: Жомбой тумани Арчазор 16
Тел./факс 99/ 501-87-71
(X/в ёки ш/х) 2020 8000 3005 7826 2001

Банк номи: Траст банк Самарқанд филиали
МФО 01097 СТИР 303756282

ИФУТ _____



Изоҳ:

* — Буюртмачилар ёки капитал қўйлама буюртмачиларининг тегишли шахсий газна ҳисобварағи (ёки шахсий газна ҳисобварақлари) кўрсатилади.

Ҳуқуқиюнос _____
Лицензия (диплом) № берилган санаси:
«__» _____ й
Ҳуқуқиюнос _____
Лицензия (диплом) № берилган санаси:
«__» _____ й

«Буюртмачи»
Регистр-касса
(буюртмачи номи)

Манзил: Тошкент шаҳри Марказий
Тел./факс 166/235-38-26
Ш/Х* 400121860184011082200056002

Ташкилотнинг СТИРи 201008164
ИФУТ 00014

Ҳазначилик бўлинмасининг номи: Самарқанд шаҳри буйича
Ҳазначилик бўлинмаси

ЯҒҲ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО: 00014 Ҳазначилик бўлинмасининг СТИРи 201122919

Буюртмачи раҳбари _____
(таълим) (Ф.И.О.)



И. Раҳманова
104 N 004827 03.08.2019



“ТАСДИКЛАЙМАН”

Регистрон ансамбли
директори

Х. Самаров

Регистрон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси биносида мураккаб технологиялари ҳамда бинонинг ташки ва ички қисмида сифатли хизмат кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия ййгилиши

БА Ё НИ № 3

2022 йил «01» июн

Самарканд шаҳри

Раислик қилувчи

Бошлиқ ўринбосари:

А. Қиличев

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Бошлиқ ўринбосари:

Ш. Ибрагимов

Бош ҳисобчи:

Т. Каримова

Ободонлаштириш бўлими бошлиғи:

С. Самаров

Боғбон:

Н. Қуватов

Котиб, кўргазма зал мудири:

У. Уринходжаев

КУН ТАРТИБИ:

Регистрон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси Самарканд шаҳрининг Регистрон майдонида жорий таъмирлаш (Турнигент устинда темирли соябон ясаш) ишларини бажариш бўйича.

(Д. Ҳакимов, Ш. Ибрагимов)

Дирекция томонидан 2022 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарканд шаҳрининг Регистрон майдонида жорий таъмирлаш (Турнигент устинда темирли соябон ясаш) ишларини бажариш бўйича № 22110012090147- лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 30 майдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Самарканд шаҳрининг Регистрон майдонида жорий таъмирлаш (Турнигент устинда темирли соябон ясаш) ишларни бажариш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан МЧЖ “Ali Stroy Servis” корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Дирекция бош бухгалтери Т. Каримовага:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 30 майдаги электрон баённомасига асосан ғолиб МЧЖ “Ali Stroy Servis” корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Техник назоратчи Д. Ҳакимовга хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Раислик қилувчи

А. Қиличев

Комиссия аъзолари:

Ш. Ибрагимов

Т. Каримова

С. Самаров

Н. Қуватов

У. Уринходжаев